

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАДИРОВ ЖОНИБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИ КЕЧИШINI БАШОРАТ ҚИЛИШ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the Doctor of Philosophy (PhD) abstract of dissertation**

**Кадиров Жонибек Файзуллаевич**

Болаларда ОИВ-инфекцияси кечишини башорат қилиш..... 3

**Кадиров Жонибек Файзуллаевич**

Прогнозирование течения ВИЧ инфекции у детей ..... 25

**Kadirov Jonibek Fayzullaevich**

Predicting the course of HIV infection in children..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 50

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАДИРОВ ЖОНИБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИ КЕЧИШНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib475 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Худайкулова Гульнара Каримовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Ахмедова Мубарахон Джалиловна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ибадова Гулнара Алиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: +99871-150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru))

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ таркатилди.  
(2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Л.Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Т.А. Даминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор, академик

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** ОИВ инфекцияси дунё миқёсидаги жамият соғлиқни сақлаш муаммоларининг асосийларидан бири бўлиб қолмоқда: бугунги кунга келиб ушбу вирусдан деярли 33 миллион инсон вафот этган. Бироқ, ОИВ-инфекцияси билан курашда олиб борилаётган самарали ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари ҳамда беморларни тўғри парваришлаш усулларининг мавжудлиги натижасида ОИВ инфекцияси сурункали юқумли касалликлар қаторига киритилган, шунга қарамасдан ОИВ-инфекцияли беморларнинг ҳаёт давомийлиги ҳақиқатдан узайган. ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморлар узоқ ва соғлом ҳаёт кечирishi мумкин эканлиги ўз исботини топди. ЖССТнинг 2019 йил якунидаги маълумотларига кўра, «...ҳозирги кунда дунё бўйича 38 миллионга яқин одамлар ушбу вирус билан зарарланган»<sup>1</sup>. Беморларнинг ҳолатини доимий кузатиш иммунитетнинг пасайиш даврини ва ОИВ-инфекциясининг III босқичга ўтишини аниқлаш имконини беради, бу «...РВҚДни бошлаш ва иккиламчи касалликларнинг профилактикаси учун...»<sup>2</sup> хизмат қилади.

Жаҳонда ОИВ-инфекцияли болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, болаларда ОИВ-инфекцияси ривожланиш суръатига таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш, ёки ножўя таъсирларини камайтириш мумкин бўлган олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ва долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юқумли касалликларни тарқалиши, ташхислаш, даволаш ва олдини олиш, асоратларини камайтиришни талаб қилади. Шунингдек, «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ОИВ-тиббиёти соҳасидаги ўтказилган илмий тадқиқотлар ОИВ-инфекцияли беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-

<sup>1</sup> Centers for Disease Control and Prevention. Monitoring selected national HIV prevention and care objectives by using HIV surveillance data-US and 6 dependent areas, 2018. HIV Surveillance Supplemental Report 2020;25(2).

<sup>2</sup> Pathogenesis of HIV Infection Hassan M. Naif 2013 Infectious Disease Reports 2013; 5: s1e6. USA. Apr 25;92(9):3963-7.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5590-сон фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 25 январидagi ПҚ-3493-сон «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси томонидан чақириладиган касалликларни тарқалишига қарши таъсир тизимини келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишидаги устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда дунёнинг турли минтақаларида болаларда ОИВ-инфекциясининг замонавий этиологик тузилиши бўйича яқин ва узоқ чет эл адабиётларида кенг ёритиб келинмоқда (Володин Н.Н., 2015; Dworkin M., 2018). Чет эл ва маҳаллий адабиётларда ОИВ-инфекциясининг даволаш ва кечиш самарадорлигини башорат қилиш учун ССR5 генининг ўрни бўйича маълумотлар кенг тақдим этилган ((Falasca F., et al, 2017). Ўзбекистон Республикасида ҳам ОИВ-инфекциясининг иммунологик мониторинги ва генотипик хусусиятларини ўрганиш муаммо юзасидан санокли тадқиқотлар олиб борилган (Залялиева М.В., 2008), Ўзбекистонда ҳам болаларда ОИВ-инфекциясининг муаммолари бўйича ягона тадқиқотлар олиб борилган (Ким О.В., 2012; Худайкулова Г.К., 2017).

Ўзбекистонда ОИВ-инфекциясининг юқиш йўллари ва уларнинг касаллик ривожланишидаги ва асоратларнинг шаклланишидаги ўрнини ўрганишга бағишланган бир қатор тадқиқотлар мавжуд (Мустафаева Д.А., 2014; Худайкулова Г.К., 2017), бироқ улар кўпроқ ОИВ-инфекциясининг клиник кечишига ва лаборатор маркерларига бағишланган бўлиб, ушбу тадқиқотларда ОИВ-инфекциясининг оқибатларини башорат қилишга оид маълумотлар чегараланган. Шунингдек, болаларда ОИВ-инфекциясини ташхислаш ва даволаш бўйича (ЎзР ССВ 2018 йил 30 апрелдаги «ОИВ инфекцияси бўйича миллий клиник протоколларни амалиётга жорий этиш тўғрисида» ги 277-сонли буйруғи) умумий тавсияномасида ҳам ушбу инфекцияни башорат қилишда генетик омилларнинг ўрни бўйича тавсиялар келтирилмаган. Ҳозирги кунгача Ўзбекистон Республикасида болалик даврида ОИВ-инфекциясининг турлича кечишини башорат қилишда айрим омилларнинг (эпидемиологик, генетик) ўрнини аниқлашга бағишланган комплекс тадқиқотлар ўтказилмаган.

Ушбу йўналишдаги бемор болаларни даволаш тартибининг замонавий тактикасини ишлаб чиқиш диссертация тадқиқотини ўз вақтида бажарилганлигидан далолат беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ССВ-Ф- 035-сонли «Ўзбекистонда ОИВ-инфекциясининг патогенезидаги хемокинлар ва хемокин рецепторларни иштироки» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек популяциясидаги болаларда ОИВ-инфекциясини башорат қилишни оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда ОИВ-инфекциясининг нохуш кечадиган шакллари ва ўлим оқибатининг учраш даражасини аниқлаш;

болаларда ОИВ-инфекциясини башорат қилишда эпидемиологик омилларнинг (болаларнинг зарарланиш йўли, зарарланиш муддати ва бошқалар) таъсирини баҳолаш;

ўзбек миллатига мансуб болаларда ОИВ-инфекциясини кечишига ва башорат қилишга турли омилларнинг (ёш, жинс, оппортунистик инфекцияларнинг доираси, иммунологик ва вирусологик кўрсаткичларнинг) таъсирини баҳолаш;

ўзбек миллатига мансуб болаларда ОИВ-инфекциясининг табиий кечишига «хўжайин-омиллари» (CCR5 хемокин рецепторлари генларининг тақсимланиши) таъсирини аниқлаш;

ўзбек миллатига мансуб болаларда ОИВ-инфекциясини эрта башорат қилишда асосий клиник-эпидемиологик ва генетик кўрсаткичларни миқдорий таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2017-2019 йилларда Вирусология ИТИ, Республика ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш марказларида кузатувда бўлган, 186 нафар 18 ёшгача ОИВ-инфекцияси билан оғриган болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ОИВ-инфекцияли болаларнинг қондаги серологик ва генетик текширувларини ўтказиш учун веноз қон таҳлил материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун умумий клиник, лаборатор (биокимёвий (рефрактометр – умумий оксил миқдори, Боданский усулида – трансаминаза ферментлари, Ендрассек ва Клеггорн усулида – умумий билирубин), серологик (иммунофермент таҳлил, иммуноблотинг усулларида), молекуляр-генетик (полимераз занжир реакция усули) ва статистик (Пирсоннинг ёзишма коэффициент хи квадрат ( $\chi^2$ ) ва Фишернинг аниқ усули) усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ОИВ-инфекциясининг болаларга перинатал йўл билан юқиши натижасида касалликнинг оғир шаклда кечиши ҳамда оғир оқибатлар билан

яқунланиши исботланган;

перинатал йўл билан зарарланган болаларда ОИВ-инфекциясини эрта ташҳислашга оид клинικο-антропометрик белгиларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлиги исботланган;

илк маротаба ўзбек популяциясидаги болаларда ОИВ-инфекциясининг кечишига таъсир этувчи CCR5-Delta32 генининг ўрни исботланган;

ОИВ нинг пролиферациясида CCR5 гени Delta32 мутацион вариантининг протектив аҳамияти борлиги аниқланган;

перинатал йўл орқали ОИВ-инфекцияси билан зарарланган болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган, касалликнинг кечиши ва оқибатларини башорат қилувчи клиник, лаборатор ва генетик (CCR5-Delta32) омиллар мажмуаси аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

ОИВ-инфекциясининг оғир кечишида аниқланган хавф омиллари профилактик тадбирларни такомиллаштирган;

ўзбек миллатига мансуб болаларда ОИВ-инфекциясининг ривожланиш суръатига CCR5 генининг таъсири аниқланган бўлиб, болаларда ушбу геннинг топилиши РВҚДни белгилаш ва иккиламчи касалликларни олдини олиши асосланган;

болаларда ОИВ-инфекциясининг кечишини башорат қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар РВҚДни белгилашга ёндошувни ва кузатиш схемасини индивидуаллаштириш натижасида асоратларнинг олдини олиш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган умумклиник, серологик, биокимёвий, молекуляр-генетик, статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг ОИВ-инфекцияли болаларда ўта хусусиятли қонуниятлари асосида турли усулларнинг қўлланилганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ОИВ-инфекцияли болаларда касаллик асоратларининг келиб чиқиш сабаблари, таъсир этувчи эпидемиологик омиллар, оғир клиник-лаборатор белгиларни бартараф қилиш бўйича чоралар таклиф қилинганлиги ҳамда даволаш схемасининг самарадорлигини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болалар орасида ОИВ-инфекцияси ва унинг оқибатларини башорат қилишда хавф омилларини танлашга бўлган такомиллаштирилган ёндошишнинг асоси бўлиб, бу эса болаларда касалликни ва унинг асоратларини даволашнинг клиник, серологик, биокимёвий самарадорлигини оширишга имкон беради ҳамда ОИВ-инфекцияли болаларда асоратларнинг олдини олиш ва ногиронликни камайтириш имконини яратган.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда ОИВ-инфекцияси кечишини башорат қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда ОИВ-инфекциясини эрта ташхислаш, клиник-лаборатор кечишини башорат қилиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш, касалликнинг асоратларини камайтириш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Болаларда ОИВ-инфекцияси клиник-лаборатор кечишини башорат қилиш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-р/213-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ОИВ-инфекцияли болаларда самарали даволашни, асоратларни эрта ташхислаш ва башорат қилишни ҳамда диспансеризация қилиш тизими тартибини шакллантириш имконини берган; болаларда ОИВ-инфекциясини эрта ташхислаш, клиник-лаборатор кечишини башорат қилиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш, касалликнинг асоратларини камайтириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Навоий вилоят ОИТС га қарши курашиш марказида ва Самарқанд вилояти Ургут туман тиббиёт бирлашмасининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 январдаги 8н-з/5-сон маълумотномаси). Натижада касалликни даволаш самарадорлигини ошириб, келиб чиқадиган асоратларни олдини олишда генетик омил асосида касаллик оқибатларини башорат қилиш, касалликдан сўнг ривожланидиган ногиронликнинг олдини олиш ҳамда камайтириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болалардаги ОИВ-инфекциясининг турли ривожланиш суръатлари**» деб номланган биринчи бобида болалар орасида ОИВ-инфекциясининг эпидемиологияси, юқиш сабаблари ва йўллари, хавф омиллари, ОИВ-инфекцияси бўйича перинатал мулоқотда бўлган болаларда чақалоқлик даври кечишининг ўзига хос хусусиятлари, ОИВ кечишининг клиник-иммунологик ва вирусологик ўзига хос хусусиятлари, болаларда ОИВ инфекцияси кечишида CCR5-Δ32 генининг ўрни ҳақидаги замонавий ёндошишлар тўғрисидаги охириги маълумотлар келтирилган. Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш асосида ишнинг долзарблиги ва танланган мавзу ишланмасининг зарурлиги асослаб берилган, шунингдек мазкур муаммони ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб қилувчи қирралари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Болаларда ОИВ-инфекцияси кечишини башорат қилишда клиник материаллар ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали ва усуллари баён этилган. ОИВ инфекцияли болаларда клиник, эпидемиологик, иммунологик, вирусологик, молекуляр-генетик ва терапевтик жиҳатларини ўрганиш учун кузатув остидаги беморлар ЎзР ССВ Вирусология ИТИ, Республика ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш марказларидан йиғилган. Кузатув остидаги болалар 0 ёшдан 18 ёшгача бўлиб, 2017-2019 йилгача стационар шароитда ётиб даволанган болалар касаллик тарихидан, диспансер назоратига олинган болаларнинг тиббий кўриги ҳамда амбулатор картасидаги маълумотлари асосида йиғилди.

«ОИВ-инфекцияли» ташхиси бемор болаларга оид эпидемиологик анамнез маълумотлари, клиник-лаборатор (иммуноблот) натижаларига ҳамда ЎзР ССВ 2018 йил 30 апрелдаги «ОИВ инфекцияси бўйича миллий клиник протоколларни амалиётга жорий этиш тўғрисида» ги 277-сонли буйруғи асосида қўйилган.

Кузатувимиз остидаги болалар қуйидаги гуруҳларга бўлинди:




**1-расм. Болаларда ОИВ инфекцияси ривожланиш шаклининг жинс бўйича тақсимланиши**

Тез – ривожланиш шаклида 5 йилгача касалликнинг 3-4 босқичи кузатилади. Ўрта – ривожланиш шаклида 5-10 йилдан сўнг касалликнинг 3-4 босқичи кузатилади. Секин – ривожланиш шакли эса 10 йил ва ундан кўп муддатда касалликнинг 3-4 босқичга ўтиши кузатилади.

1-расмдан кўриниб турибдики, ОИВ-инфекцияси ўғил болаларда (59,7%) қиз болаларга (40,3%) нисбатан 1,5 баробар кўп кузатилди.

Кузатувдаги 186 нафар ОИВ инфекцияли болалар ёш бўйича қуйидаги 4 та гуруҳга, яъни 0-3 ёшгача (n=32), 3-7 ёшгача (n=43), 7-14 ёшгача (n=47) ва 14-18 ёшгача (n=64) бўлган гуруҳларга ажратилиб ўрганилди.



## 2-расм. Кузатув остига олинган болаларнинг ёш бўйича тақсимланиши

Кузатувимиз остига олинган 186 нафар болалардан 32 нафарини 0-3 ёшгача, 43 нафарини 3-7 ёшгача, 47 нафарини 7-14 ёшгача ва 64 нафарини 14-18 ёшгача бўлган болалар ташкил этди.

Болалар ОИВ-инфекциясининг юқиш йўли бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратилди: перинатал - 47 нафар (25,3%), парентерал - 71 нафар (38,2%) ва номаълум - 68 нафар (36,5%).

Кузатувимиз остига олинган 0-3 ёшгача бўлган болаларда ОИВ инфекцияси 27 нафар (84,4%) болаларда перинатал ва 5 нафарида (15,6%) парентерал юқиш йўли орқали юққанлиги аниқланди ва кўрсаткичлар орасидаги фарқ 5 баробарни ташкил этди ( $P < 0,001$ ). Кузатувимиздаги 0-3 ёшгача бўлган болаларда ОИВ инфекциясининг номаълум йўл билан юқиши кузатилмади. ОИВ инфекциясининг 3-7 ёшгача бўлган болаларга кўпроқ перинатал ва номаълум йўллар билан юққанлиги қайд этилди (41,9% ва 32,5% мос равишда). Ушбу ёш гуруҳидаги болаларга ОИВ инфекциясининг парентерал йўл орқали юқиши перинатал ва номаълум юқиш йўлига нисбатан 1,6 ва 1,3 баробарга кам қайт этилди ҳамда кўрсаткичлар орасидаги фарқ ишончли бўлди (25,6%, 41,9% ва 32,5% мос равишда,  $P < 0,05$ ). 7-14 ёшгача бўлган болаларнинг 2 нафарига (4,3%) ОИВ инфекцияси перинатал йўл орқали юққанлиги ва бу кўрсаткич парентерал (51,1%) ва номаълум (44,6%) юқиш йўлига нисбатан 11,8 ва 10,4 баробарга кам эканлиги аниқланди. 14-18 ёшгача бўлган болаларда перинатал йўл билан касалликнинг юқиши умуман кузатилмади.

Бундан кўриниб турибдики, охириги йилларда перинатал йўл билан ОИВ инфекциясининг 0-3 ёшгача бўлган болаларга юқиши парентерал йўлга нисбатан кўпроқ кузатилиши яна бир бор исботланди (Г.К. Худайкулова, 2017 й).

Кузатувимиздаги 7-14 ёшгача бўлган болаларнинг 1,3% турли сабабларга кўра РВҚД ни умуман қабул қилмаган ва РВҚДни инкор этган. 0-3 ёшгача бўлган болаларнинг 57,1%и РВҚДни 12 ойгача қабул қилган бўлса, 38,7%и 24 ойдан кўп муддат РВҚДни қабул қилганлиги аниқланди. 0-3 ёшгача бўлган болаларнинг атиги 2,1% РВҚДнинг бошқа схемасига ўтганлиги маълум бўлди.

ОИВ-статуснинг верификацияси стандарт ИФА усулида 18 ойдан кейин, кейинчалик иммун блоттинг усули орқали тасдиқланган. ОИВ провирусли ДНК сани аниқлаш ва ОИВ РНК концентрациясини текшириш реал вақтда 18 ойгача бўлган муддатларда ПЗР усули билан амалга оширилган.


CD4-лимфоцитларнинг кўрсаткичи бўйича иммуносупрессия даражасини текшириш оқимли цитофлуометрия усули билан ўтказилган.

Ишлаб чиқилган услубни аналоглари билан таққослаш олиб борилди.

Таққослама таҳлил беморлардан стандарт ПЗР усулида «АмплиСенс ССR5del32-скрин» тест тизимидан фойдаланган ҳолда, пиросеквенирлаш билан ажратиб олинган 15 нафар ССR5 delta32 (референтная ДНК) делецияси мавжуд бўлган ДНК намунасида ўтказилди. Таққослама таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ПЗР-ПДРФ вариантдан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилган ССR5del32 маркери барча мусбат намуналарда мавжуд бўлган. Бу эса ушбу тест тизимининг савдо йиғмасидаги тест тизими билан сезгирлик бўйича эквивалентлигидан гувоҳлик беради. ДНК геномини ажратиб олиш учун QIAamp DNA Mini Kit (QIAGEN) ва «АмплиПрайм РИБО-преп» йиғмасидан фойдаланилди. ПЗР-ПДРФ учун амплификация 10 мкл ҳажмда ўтказилди. Махсус реакцион аралашма таркиби куйидагилардан иборат бўлди: полимераза - 1 мкл учун стандарт 10 чи буфер, тўғри ва қайталама праймерларнинг ҳар бири 50 нг дан, Тақ-полимераза фаоллиги dNTP-0.2 mM, 2.0 mM MgCl<sub>2</sub>, 1 бирликдагиси, бемордан ажратиб олинган 10-60 нг ДНК амплификация дастурланган термоциклерда ўтказилди. Applied Biosystems 2720 (АҚШ) нинг ҳарорат режими куйидагича бўлди. 1) 95°C да 2 дақ давомида; 2) 3 босқичли 35 та цикл: 94°C - 30 с, 53°C - 40 с, 72°C - 40 с; 3) охириги босқич - ёниш 72°C - 10 дақ ва 4°C да. Амплифицирловчи фрагментнинг умумий ўлчами 620 п.н., делециянинг ўлчами 588 п.н. Кейин Тақ I эндонуклеазани 37°C/12 соат ҳарорат режимида қўллаш билан рестрикцион таҳлил олиб борилди. ПЗР-рестрикция маҳсулотларининг ажратилиши горизонтал электрофорездан фойдаланган ҳолда 2%ли агарли гелда ДНК фрагментларини электрофоретик ажратиш билан ўтказилди. ПЗР-рестрикция маҳсулотлари этидий бромид билан бўялгандан сўнг, ультрабинафша нуридан ўтказилиб детекцияланди.

Белгиларнинг тарқалиш турини таҳлил қилиш Microsoft Excel дастури ёрдамида амалга оширилди. Меъёрий тақсимлаш мезонлари куйидаги кўрсаткичлар асосида белгиланди: ўртача белги, мода ва медиан белгилари тахминан баробардир; 95% -  $M \pm 2\sigma$  99% оралиғида кузатилди. Белгиларнинг анъанавий тақсимоти қиймати бўйича носимметриkdir. 80% ҳолларда белгиларнинг миқдори меъёрий тақсимланган, бўлиб статистик таҳлил параметрик статистика усулларига асосланган. Тадқиқотимиз натижасида олинган маълумотлар ХК Pentium-IV компьютерида Microsoft Office Excel-

2012 дастури ёрдамида статистик қайта ишланди. Вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари ўрганилаётган индикаторнинг (M) ўртача арифметик қийматини ҳисоблаш учун қўлланилган, ўртача квадратик силжиш, ўртача стандарт хатолик (m), нисбий қийматлар (учраш даражаси, %). Қийматларнинг ўртача қийматини таққослашда олинган маълумотлар Стьюдент мезони асосида (t) хатолик эҳтимолини ҳисоблаш билан (P) меъёрий тақсимланишни текшириш учун (эксцесс мезони бўйича) ва умумий фарқлар тенглиги (F – критерий Фишера) асосида баҳоланди. Статистик кўрсаткичларни белгилаш паст (предельный) –  $P < 0,05$  ва сезиларсиз (ишончсиз) –  $P > 0,05$  даражаси олинди.



### 3-расм. Касаллик ривожланиш варианты бўйича тақсимланиши

Статистик кўрсаткичлар сифатли аниқланиши учун  $\chi^2$  мезон ва z-критерия (Гланц С., 1998) қуйидаги формула асосида ҳисобланди (хи-квадрат).

Диссертациянинг «Болаларда ОИВ инфекциясининг клиник кечиш тавсилотлари» деб номланган учинчи бобида ОИВ инфекциясининг клиник – лаборатор тавсилотлари ўрганилди.

Кузатувимиздаги 186 нафар болалардан 42 нафарида (22,5%) ОИВ-инфекциясининг тез ривожланадиган, 70 нафарида (37,7%) ўрта ривожланадиган, 74 нафарида эса (39,8%) секин ривожланадиган шакллари кузтилди.

### 1-жадвал

#### Болаларда ОИВ инфекциясининг юқиш йўлларига боғлиқ равишда ривожланиши


Касалликнинг ривожланиш шакллари	Перинатал (n=47)	Парентерал (n=71)	Номаълум (n=68)	P
	Абс (M±m)	Абс (M±m)	Абс (M±m)	
Тез ривожланадиган	27 (57,4±7,2)*	6 (8,4±3,3)	9 (13,2±4,1)	<0,05
Ўрта ривожланадиган	15 (31,9±6,7)	23 (32,4±5,5)	32 (47,0±6,0)	>0,05
Секин ривожланадиган	5 (10,6±4,4)	42 (59,1±5,8)**	27 (39,7±5,9)	<0,05

Изоҳ: \*- 1-гурӯҳдаги тез ривожланадиган шакlining кўрсаткичлари 2-гурӯҳдаги тез ривожланадиган шакlining кўрсаткичлари орасидаги фарқлар ишончли,  $P < 0,05$ ; \*\* - 2-гурӯҳдаги секин ривожланадиган шакlining кўрсаткичлари 1-гурӯҳдаги секин ривожланадиган шакlining кўрсаткичлари орасидаги фарқлар ишончли,  $P < 0,05$ .

Болаларда ОИВ инфекциясининг юқиш йўлларига боғлиқ равишда ривожланишини ўрганиш давомида касалликнинг тез ривожланадиган шакли перинатал юқиш йўлида парентерал ва номаълум юқиш йўлига нисбатан 6,8

ва 4,3 баробар кўп учраганлиги ва кўрсаткичлар орасидаги фарқ статистик жиҳатдан ишончли эканлиги аниқланди (57,4%, 8,4% ва 13,2% мос равишда,  $P < 0,05$ ). Касалликнинг ўрта ривожланадиган шакли уччала юқиш йўлида ҳам деярли бир хил даражада кузатилди ва кўрсаткичлар орасидаги фарқ статистик жиҳатдан ишончсиздир (31,9%, 32,4% ва 47% мос равишда,  $P > 0,05$ ). Касалликнинг секин ривожланадиган шакли, аксинча парентерал юқиш йўлида перинатал ва номаълум юқиш йўлига нисбатан 5,6 ва 1,5 баробарга энг кўп кузатилиши маълум бўлди ва кўрсаткичлар орасидаги фарқ статистик жиҳатдан ишончли эканлиги аниқланди (59,1%, 10,6% ва 39,7% мос равишда,  $P < 0,05$ ).

4-расмда ОИВ-инфекцияли болаларда ўлимнинг кузатилиши бўйича маълумотлар келтирилган.



#### 4-расм. Болаларнинг ОИВ инфекциясидан ўлим кўрсаткичи

Кузатувдаги касаллик тез ривожланган ОИВ-инфекцияли болаларнинг 2 нафарида (4,8%) ва касаллик ўрта ривожланган ОИВ-инфекцияли болаларнинг 1 нафарида (1,4%) ўлим кузатилган. Бу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, ОИВ-инфекциянинг тез ривожланиши ўрта ривожланишига нисбатан 3,4 баробар кўпроқ ўлим билан якунланар экан.

Болаларда ОИВ инфекцияси билан зарарланиш давомийлигининг ёш бўйича тақсимланишини ўрганиш натижасида 0-3 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг тез ривожланадиган шакли ўрта ва секин ривожланадиган шаклига нисбатан 1,4 ва 18,1 баробар кўп кузатилиши маълум бўлди (56,3%, 40,6% ва 3,1% мос равишда,  $P < 0,05$ ). 3-7 ёшгача бўлган болаларда эса касалликнинг ўрта ривожланадиган шакли тез ва секин ривожланадиган шаклига нисбатан 1,9 ва 8,7 баробар кўп учраши қайд этилди ҳамда кўрсаткичлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан ишончли бўлди (60,5%, 32,6% ва 6,9% мос равишда,  $P < 0,05$ ). Кузатувимиздаги 7-14 ёш ва 14-18 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг секин ривожланиши тез ва ўрта ривожланадиган шаклидан статистик жиҳатдан ишончли кўп кузатилиши аниқланди (66%, 8,5%, 25,5%/ ва 53,1%, 12,5%, 34,4% мос равишда,  $P < 0,05$ ).

Диссертациянинг «Болаларда ОИВ инфекциясининг клиник-лаборатор кечиш тавсилотлари» деб номланган тўртинчи бобида ОИВ инфекциясининг клиник – лаборатор тавсилотлари ўрганилди.

## Болаларда ОИВ инфекциясининг клиник белгилари

ОИВ инфекциясининг клиник кўриниши	ТРВ (n=42)	ЎРВ (n=70)	СРВ (n=74)
	Абс. %	Абс. %	Абс. %
Клиник белгиларсиз кечиши	0	2 (2,8±1,9)	11 (14,8±4,2)***
Тарқалган лимфоаденопатия	35 (83,3±5,2)*	49 (70,0±5,2)	37 (50,0±6,0)
Камқонлик	22 (52,4±6,2)	51 (72,8±5,4)**	41 (55,4±6,0)
Тромбоцитопения	3 (7,1±3,7)	6 (8,6±3,3)	4 (5,4±2,8)
Гепатомегалия	31 (73,8±5,3)	52 (74,3±5,1)	53 (71,6±5,4)
ЮНЙ қайталанувчи инфекция	25 (59,5±7,1)	60 (85,7±4,1)**	53 (71,6±5,4)
Энцефалопатия	6 (14,3±4,9)*	5 (7,1±3,0)	3 (4,0±2,4)
Кардиомиопатия	2 (4,8±2,7)	2 (2,8±1,9)	2 (2,7±0,25)
Диарея	15 (31,9±6,7)	24 (34,3±5,4)	20 (27,0±5,5)
Ноаниқ этиологияли иситма	13 (31,0±5,7)	35 (50±5,9)**	13(17,6±4,6)***
Онкопатология	1 (2,4±0,25)	0	0
Ўраб олувчи темиртки	2 (4,8±2,7)	8 (11,4±3,6)**	6 (8,1±3,4)
Паротит	4 (9,5±4,2)*	3 (4,3±2,3)	3 (4,0±2,4)
ЛИП	1 (2,4±0,25)	0	0
ЦМВ-инфекция	1 (2,4±0,25)	2 (2,8±1,9)	2 (2,7±0,25)
Пневмония	4 (9,5±4,2)*	11 (15,7±4,2)	11 (14,8±4,2)
Кандидоз	14 (33,3±5,9)	32 (45,7±5,9)	26 (35,1±5,7)
Тана вазнининг камайиши	23 (54,8±6,8)	42 (60±5,8)	40 (54,0±6,0)
Дерматоз	4 (9,5±4,2)*	9 (12,8±3,9)	8 (10,8±3,6)
Бошқалар	5 (12,0±4,9)	7 (10±3,5)	6 (8,1±3,4)

Изоҳ: \* - 1 - гуруҳ кўрсаткичлари 2-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли,  $P < 0,05$ ;  
 \*\* - 2-гуруҳ кўрсаткичлари 1- ва 3-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли,  $P < 0,05$ . \*\*\* -  
 3-гуруҳ кўрсаткичлари 1- ва 2-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли,  $P < 0,05$ .

2-жадвалдан кўришиб турибдики, болаларда ТРВ тарқалган лимфоаденопатия ва энцефалопатия клиник белгилари ЎРВ- ва СРВга нисбатан 1,2/1,6 ва 2,1/3,4 баробарга кўпроқ кузатилди (83,3%, 70% ва 50% мос равишда,  $P < 0,05$ ; 14,3%, 7,4% ва 4,0% мос равишда,  $P < 0,05$ ). Шунингдек, ТРВ болаларида паротитнинг учраш даражаси ЎРВ ва СРВ билан бўлган болаларга нисбатан ўртача 2 баробар кўп кузатилиши аниқланди (9,5%, 4,3% и 4,0% мос равишда,  $P < 0,05$ ). Бошқа клиник белгиларнинг ТРВдаги болаларда ЎРВ ва СРВ кузатилган болаларга нисбатан учраш даражаси бўйича ишончли фарқлар кузатилмади.

Хусусан, ЎРВдаги болаларда камқонлик, қайталанувчи инфекция ва ўраб олувчи темиртки каби клиник белгилар ТРВ ва СРВдаги болаларга нисбатан ўртача 1,3, 1,4 ва 1,9 баробар кўп учраши маълум бўлди (72,8%, 85,7%, 11,4% / 52,4%, 59,5%, 4,8% / 55,4%, 71,6%, 8,1%, мос равишда,  $P < 0,05$ ). ТРВ даги болаларда касалликнинг клиник белгиларсиз кечиши кузатилмади. Бундан ташқари, иситма белгисининг СРВдаги болаларда ТРВ ва ЎРВдаги болаларга нисбатан 1,8 ва 2,8 баробарга кам кузатилиши маълум бўлди (17,6%, 31,0% ва 50% мос равишда,  $P < 0,05$ )

ОИВ инфекциясининг клиник белгиларини ёш бўйича учраш даражаси ҳам ўрганилди ва бу маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

**Болаларда ОИВ инфекцияси клиник белгиларининг ёш бўйича учраш даражаси**

ОИВ инфекциясининг клиник кўриниши	0-3 ёш (n=32)	3-7 ёш (n=43)	7-14 ёш (n=47)	14-18 ёш (n=64)	P
	Абс. %	Абс. %	Абс. %	Абс. %	
Клиник белгиларсиз кечиши	0	1 (2,3±0,21)	7 (14,9±5,1)***	7 (10,9±3,8)	
Тарқалган лимфоаденопатия	26(81,3±6,8)*	30 (69,8±7,0)	23 (48,9±7,2)	35 (54,7±6,2)	<0,05
Камқонлик	17 (53,1±8,8)	31 (72,1±6,8)**	26 (55,3±7,2)	13 (20,3±5,0) <sup>a</sup>	
Тромбоцитопения	2 (6,3±4,2)	3 (7,0±3,8)	3 (6,4±3,5)	3 (4,7±2,6)	<0,05
Гепатомегалия	24 (75±7,6)	31 (72,1±6,8)	34 (72,3±6,5)	13(20,3±5,0)	
ЮНЙ қайталанувчи инфекция	19 (59,4±8,6)	36 (83,7±5,6)**	34 (72,3±6,5)	49 (76,5±5,2) <sup>a</sup>	
Энцефалопатия	5 (15,6±6,4)*	3 (7,0±3,8)	2 (4,3±2,1)	1 (1,6±0,14)	<0,05
Кардиомиопатия	1 (3,1±0,56)	1 (2,3±0,21)	1 (2,1±0,23)	2 (3,2±1,2)	
Диарея	10 (31,3±8,1)	15 (34,8±7,2)	14 (29,7±6,6)	9 (14,1±4,3) <sup>a</sup>	<0,05
Ноаник этиологияли иситма	10 (31,3±8,1)	21 (48,8±7,6)**	8 (17,0±5,4)	20 (31,3±5,7)	<0,05
Онкопатология	1 (3,1±0,56)	0	0	0	
Ўраб олувчи темиртки	1 (3,1±0,56)	5 (11,6±4,8)**	4 (8,5±4,0)***	2 (3,2±1,2)	
Паротит	3 (9,4±5,1)*	2 (4,6±3,1)	2 (4,3±2,1)	0	
ЛИП	1 (3,1±0,56)	0	0	0	
ЦМВ-инфекция	1 (3,1±0,56)	1 (2,3±0,21)	1 (2,1±0,23)	1 (1,6±0,14)	<0,05
Пневмония	3 (9,4±5,1)	7 (16,3±5,6)**	7 (14,9±5,1)	7 (10,9±3,8)	<0,05
Кандидоз	11 (34,4±8,3)	19 (44,2±7,5)	17 (36,2±7,0)	22 (34,4±5,9)	<0,05
Тана вазнининг камайиши	18 (56,3±8,7)	25 (58,1±7,5)	26 (55,3±7,2)	16 (25±5,4) <sup>a</sup>	
Дерматоз	3 (9,4±5,1)	5 (11,6±4,8)	5 (10,6±4,4)	0	
Бошқалар	4 (12,5±5,8)	3 (7,0±3,8)	4 (8,5±4,0)	46 (71,9±5,6) <sup>a</sup>	<0,05

3-жадвалдан кўриниб турибдики, 0-3 ёшгача бўлган болаларда тарқалган лимфоаденопатия клиник белгиси 3-7, 7-14 ва 14-18 ёшгача бўлган болаларга нисбатан 1,2, 1,7 ва 1,5 баробар кўп кузатилди (81,3%, 69,8%, 48,9% ва 54,7% мос равишда,  $P<0,05$ ). Камқонлик эса 3-7 ёшгача бўлган болаларда 0-3, 7-14 ва 14-18 ёшгача бўлган болаларга нисбатан энг кўп фоизларда кузатилди ва кўрсаткичлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан ишончли бўлди (72,1%, 53,1%, 55,3% ва 20,3% мос равишда,  $P<0,05$ ). 7-14 ёшгача бўлган болаларда клиник белгиларсиз кечиш 3-7 ва 14-18 ёшгача бўлган болаларга нисбатан 6,5 ва 1,4 баробар кўп учраши маълум бўлди (14,9%, 2,3% ва 10,9% мос равишда,  $P<0,05$ ). Ўраб олувчи темирткининг эса 3-7 ёшгача бўлган болаларда 0-3, 7-14 ва 14-18 ёшгача бўлган болаларга нисбатан баробар кўп кузатилди (11,6%, 3,1%, 8,5% ва 3,2% мос равишда,  $P<0,05$ ). ЮНЙ қайталанувчи инфекциянинг 3-7 ёшгача бўлган болаларда 0-3 ёшгача бўлган болаларга нисбатан 1,4 баробар кўп учраши қайд этилди (83,7% ва 59,4% мос равишда,  $P<0,05$ ). Ушбу клиник белгининг 7-14 ва 14-18 ёшгача бўлган болаларда 3-7 ёшгача бўлган болалар билан деярли бир хил даражада кузатилди. Шунингдек, 0-3 ёшгача



бўлган болаларда энцефалопатия бошқа ёшдаги болаларга нисбатан 2,2, 3,6 ва 9,8 баробар кўп кузатилар экан (15,6%, 7%, 4,3% ва 1,6% мос равишда,  $P<0,05$ ). Диареянинг 14-18 ёшгача бўлган болаларда 0-3, 3-7 ва 7-14 ёшга бўлган болалар нисбатан 2,2, 2,5 ва 2,1 баробарга кам кузатилиши аниқланди (14,1%, 31,3%, 34,8% ва 29,7% мос равишда,  $P<0,05$ ). Пневмониянинг 3-7 ёшгача бўлган болаларда 0-3 ёшгача бўлган болаларга нисбатан 1,7 баробарга кўп учраши кузатилди (16,3% ва 9,4% мос равишда,  $P<0,05$ ). Тана вазнининг камайиши 0 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларда деярли бир хил юқори фоизларда кузатилди (56,3%, 58,1% ва 55,3% мос равишда), бироқ 14-18 ёшгача бўлган болаларда тана вазнининг 25% болаларда камайиши аниқланди. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан ишончли эканлиги маълум бўлди.

Иммуносупрессиянинг ўртача даражаси барча 5 ёшгача бўлган болаларда юқори даражада кузатилган ( $P<0,05$ ).

Иммуносупрессиянинг оғир даражаси эса 1 ёшгача ва 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда деярли бир хил даражада кузатилди ва 3 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларга нисбатан 1,5 баробарга кўпроқ фоизларда кузатилди (23,1%, 21% ва 15,4% мос равишда,  $P<0,05$ ).

Иммуносупрессиянинг паст даражада бўлиши 3 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларда ва 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда 1 ёшгача бўлган болаларга нисбатан ўртача 1,5 баробарга юқори бўлиши кузатилди (11,5%, 10,5% ва 7,7% мос равишда,  $P<0,05$ ). Юқоридаги келтирилган статистик кўрсаткичлар бўйича барча фарқлар ишончли эканлиги аниқланди.

4-жадвалда кўришиб турибдики, иммуносупрессиянинг яққол шакли 25 нафар (59,5%) ТРВдаги болаларда кузатилди, бу кўрсаткич ЎРВдаги болаларда 1,4 баробар, СРВдаги болаларда эса 2,0 баробарга кам эканлиги кузатилди. ТРВли болаларнинг 9 нафарида (21,4%) оғир иммуносупрессия ЎРВ (17,1%) ва СРВ (9,5%) болаларга нисбатан 1,3 ва 2,3 (мос равишда) баробарга кўп бўлиши маълум бўлди ( $P<0,05$ ). СРВли болаларнинг 36 нафарида (48,7%) ўртача иммуносупрессия ТРВ (16,7%) ва ЎРВ (34,3%), болаларига нисбатан 2,9 ва 1,4 баробарга юқори бўлиши кузатилди ( $P<0,05$ ).

#### 4-жадвал

#### Касаллик ривожланиш вариантларига боғлиқ равишда иммуносупрессиянинг кўрсаткичлари

Ривожланиш вариантлари	ТРВ n=42		ЎРВ n=70		СРВ n=74	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
иммуносупрессия босқичлари						
Паст (n=15)	1	2,4	5	7,2	9	12,1
Ўрта (n=67)	7	16,7	24	34,3	36	48,7
Яққол (n=76)	25	59,5	29	41,4	22	29,7
Оғир (n= 28)	9	21,4	12	17,1	7	9,5
Жами (n=186)	42	22,6	70	37,6	74	39,8

4-жадвалдан кўришиб турибдики, ТРВ кечган 25 нафар болаларда (59,5%) иммуносупрессиянинг оғир даражада бўлиши кузатилган бўлиб, ушбу

кўрсаткич ЎРВ га нисбатан 1,4 баробар кам ва касаллик СРВ билан кечган болаларда эса 2,0 баробарга кам эканлигини кўрсатди. 9 нафар (21,4%) ТРВ билан касалланган болаларда оғир даражадаги иммуносупрессия ЎРВ ва СРВ ларга нисбатан 1,3 ва 2,3 баробар юқори бўлганлиги аниқланган (17,1% ва 9,5%, мос равишда  $P<0,05$ ). СРВ билан касалланган болаларнинг 36 нафарида (48,7%) ўрта даражадаги иммуносупрессия кузатилди ва бу кўрсаткич ТРВ ва ЎРВ ларга нисбатан 2,9 ва 1,4 баробар юқоридир, (16,7% ва 34,3%, мос равишда,  $P<0,05$ ).

Кузатувимиз натижасида олинган маълумотлар юқори статистик ишончилиikka эга бўлган ( $P<0,05$ ) маълумотлар бўлиб, инфекциянинг салбий прогрессивланувчи варианты перинатал инфекцияланган болаларга нисбатан хос эканлиги яна бир бор исботланди (Г.К. Худайкулова, 2017 й). Яъни, 0-5 ёшгача бўлган болаларда 5 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга нисбатан иммуносупрессиянинг оғир ҳолатлари кўп кузатилган.

#### 5-жадвал

### ОИВ инфекцияли болаларнинг вирус юкламаси (ОИВ РНК концентрацияси) кўрсаткичлари

Болалардаги вирус юкламаси	Болалар гуруҳи		
	ТРВ (n=42)	ЎРВ (n=70)	СРВ (n=74)
	Абс. %	Абс. %	Абс. %
Аниқланмайдиган	2 (4,8±2,9)	3 (4,3±2,1)	4 (5,4±2,8)
1 000 >	4 (9,6±4,0)	9 (12,8±3,9)*	15 (20,3±4,7)**
1 000-10 000	7 (16,7±5,4)	20 (28,6±5,3)*	24 (32,4±5,6)**
10 000-100 000	8 (19,0±5,7)	20 (28,6±5,3)*	20 (27,0±5,3)
100 000-500 000	10 (23,8±6,1)*	10 (14,3±4,1)	6 (8,1±3,4)
500 000-1 000 000	3 (7,1±3,5)	4 (5,7±2,7)	3 (4,1±2,4)
1 000 000 <	9 (21,4±5,9)*	5 (7,1±3,0)	2 (2,7±2,0)

Изоҳ: \* - 1-гуруҳ кўрсаткичлари 2-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли ( $P<0,05$ ).

\*\* - 1-гуруҳ кўрсаткичлари 3-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли ( $P<0,05$ ).

ОИВ-инфекцияли барча гуруҳ болаларида ОИВ РНК миқдорининг 1000 нусха/мл.дан кам бўлиши ва 1000-10 000 нусха/мл.гача бўлиши ЎРВ ва СРВ болаларида ТРВ болаларига нисбатан 1,5, 2,2 ва 1,7, 1,9 баробар кўп бўлиши аниқланди (12,7%, 19,1%, 8,5% ва 28,2%, 32,4%, 17% мос равишда,  $P<0,05$ ). ОИВ РНК миқдорининг 100 000-500 000 нусха/мл ва 1 000 000 нусха/млдан кўп бўлиши ТРВ болаларида ЎРВ ва СРВ болаларига нисбатан 1,6, 2,7 ва 3, 7,3 баробар кўп бўлиши кузатилди (23,4%, 14,1%, 8,8% ва 21,3%, 7%, 2,9% мос равишда,  $P<0,05$ ).

Юқорида олинган натижалардан кўриниб турибдики, ОИВ инфекциясининг ТРВ юқиш йўли, ёши, бир қанча клиник белгиларнинг (лимфоаденопатия, энцефалопатия, паротит) ва иммунологик ҳамда вирусологик кўрсаткичларнинг биргаликда келиши билан кузатилади.

Диссертациянинг «Тадқиқотимиздаги ОИВ инфекцияли болаларда ОИВ-инфекцияси кечишини башорат қилиш учун молекуляр – генетик текширувини ўтказиш» деб номланган бешинчи бобида, болаларда ОИВ-инфекциясини клиник иммунологик башорат қилиш учун зарур генни молекуляр-генетик усулда аниқлашнинг аҳамияти ўрганилган.

